

Сен мен учун онамнинг бели кабисан



17:00 / 30.10.2019 3049

Кексалиги туфайли намозда қийналадиган кишиларга ўтириб намоз ўқишга рухсат берилган.

«Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тунги намозлари ҳақида сўрашди. У киши шундай дедилар:

«У зот тунда тик туриб ҳам, ўтириб ҳам узоқ намоз ўқир эдилар. Тик туриб қироат қилсалар, тик туриб рукуъ қилар эдилар. Ўтириб қироат қилсалар, ўтириб рукуъ қилар эдилар».

Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тунги нафл намозни баъзан тик туриб, баъзан ўтириб ўқиганлар. Хусусан, чарчаб турганларида, аниқроғи, қариб қолганларида ўтириб ўқиганлар. Бу ҳол келаси ривоятда

очиқ айтилади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўлишиб, (гавдалари) оғирлашиб қолганида аксар намозни ўтириб ўқир эдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Вафотларидан олдин кўпгина намозлари ўтирган ҳолларида бўлар эди», дейилган.

Муслим ривоят қилган.

Албатта, бу ерда нафл намоз ҳақида сўз кетмоқда. Бу ҳам шариатимизнинг узрли кишиларга берган енгилликларидан биридир.

Қарилик туфайли каффоратлар кечирилган.

Жоҳилий арабларда «зиҳор» деб номланган ҳукм бор эди. Унга кўра, ким ўз хотинига «Сен мен учун онамнинг бели кабисан», деса, унга хотини худди онасидек бўлиб қолади, деб ҳисобланарди.

Аллоҳ таоло хотинидан зиҳор қилганларга каффорат ўташни жорий қилганида ҳам қариликни эътиборга олган ва бу ишни қилганлардан қариларга енгиллик берган. У Зот Мужодада сурасида марҳумат қилади:

«Хотинларидан зиҳор қилганлар сўнгра айтганларидан қайтсалар, қўшилмасларидан аввал бир қул озод қилсинлар. Бу ваъзланишингиз учундир. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ўта хабардордир» (3-оят).

Яъни хотинидан зиҳор қилган шахс афсусланиб, ўз гапидан қайтиб, хотини билан қайта ярашишни ихтиёр этса, у ҳолда эр-хотинлик муносабатларини қайта бошлашдан олдин бир қул озод қилиб, каффорат бериши лозим. Каффорат – содир бўлган гуноҳни ювиш учун қилинадиган қўшимча молиявий ибодатдир. Ислом ана шу йўл билан қул озод қилишни ибодат даражасига кўтарди.

«Бу ваъзланишингиз учундир».

Бу ҳукм эр-хотинликдек муқаддас алоқанинг ҳурматини оёқости қилиб, тилига эрк берган, хотинига жабру зулм ўтказишга уринган эркакларга танбеҳ бўлиши, ўзларига келишлари ва кейинчалик ўйлаб иш қилишлари учун шариатга киритилган.

«Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ўта хабардордир».

Шунинг учун ҳар бир нарсани У Зотнинг ҳукмига мослаб қилинг. Жоҳилият ҳукмларидан ўзингизни четда тутинг.

Ҳамма ҳам ўз гуноҳини ювиш учун қул озод қилишга қодир эмас. Буни яхши билган Аллоҳ таоло кейинги оятда каффорат беришнинг енгил турларини баён қилади.

«Ким топмаса, қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин. Ким қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйдирсин. Бу Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учундир. Ва булар Аллоҳнинг чегараларидир. Кофирларга эса аламли азоб бор» (4-оят).

Аллоҳ Ўз бандаларига ниҳоятда меҳрибон. Ҳаттоки гуноҳ қилганларга ҳам меҳр кўрсатади, гуноҳларини ювишда осон йўлни раво кўради. «Зиҳор қилганлар, ким бўлишларидан қатъи назар, албатта қул озод қилсинлар», деб қўяверса бўларди, У Зотнинг бунга ҳаққи бор эди. Лекин бандаларига озор бермаслик учун, уларга енгилликни хоҳлагани учун, баъзи бандаларининг қул озод қилишга қурби етмаслигини билгани учун:

«Ким топмаса, қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин», деб фармон берди.

Олтмиш кун рўза тутиш ҳам осон эмас. Касаллик ёки қарилик туфайли бу ҳукмни бажара олмайдиганлар чиқиб қолса, қилган гуноҳи каффоратига олтмиш мискинни (камбағални) тўйдирди.

«Ким қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйдирсин».

Уларнинг ўртача бир кунлик таомини беради ёки бир кунлик таомнинг қийматини беради. Олтмиш кишини бирданига тўйдириши ҳам шарт эмас.

«Бу Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учундир».

Агар шу ҳукмга амал қилсангиз, Аллоҳга, Аллоҳнинг Расулига келтирган иймонингиз тасдиқланади.

«Ва булар Аллоҳнинг чегараларидир».

Бу ҳукмларнинг барчаси Аллоҳ чизган чегаралардир. Мўмин бандалар ундан чиқмасликлари шарт! Кимки Аллоҳнинг чегарасидан чиқса, аламли азобга дучор бўлади.

«Кофирларга эса аламли азоб бор».

Юқоридаги оятларда Аллоҳ таолонинг мўмин-мусулмон бандаларига нисбатан инояти, уларни гуноҳлардан қайтариши, уларга енгил йўлларни кўрсатиши зикр қилингандир.

«Кексаларни эъзозлаш» китобидан